

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

МУХТАРОВ БАХТИЁР ЗОКИРОВИЧ

МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРДА ЙИРИНГЛИ ПОДОДЕРМАТИТНИ
ЭТИОЛОГИЯСИ, ТАРҚАЛИШИ, ТУЁҚДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;

16.00.01 – Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD)
on veterinary sciences**

Мухтаров Бахтиёр Зокирович

Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни этиологияси, тарқалиши, туёқдаги патоморфологик ўзгаришлар ва даволаш усулларини такомиллаштириш..... 3

Мухтаров Бахтиёр Зокирович

Этиология, распространение, патоморфологические изменения в копытах и усовершенствование методов лечения гнойного пододерматита у продуктивных коров..... 21

Mukhtarov Bakhtiyor Zokirovich

Etiology, prevalence, pathomorphological changes in the hooves and improvement of treatment methods in purulent podermatitis in productive cows 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

МУХТАРОВ БАХТИЁР ЗОКИРОВИЧ

**МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРДА ЙИРИНГЛИ ПОДОДЕРМАТИТНИ
ЭТИОЛОГИЯСИ, ТАРҚАЛИШИ, ТУЁҚДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;**

16.00.01 – Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/V46 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.samvmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Нарзиев Бахтиёр Долиевич
ветеринария фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Эшбуриев Собир Бахтиёрович
ветеринария фанлари доктори, доцент

Турсагатов Жаҳонгир Маматович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 11 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14287- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 10 куни тарқатилди.
(2021 йил «26» 10 даги 14 -рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида қорамоллар орасида оёқларнинг дистал бўлими касалликлари кенг тарқалиши кузатилмоқда. «Чорвачилик комплекслар ва фермалари шароитларида сақланаётган қорамоллар жарроҳлик касалликларининг 90%-ини оёқ касалликлари ташкил этади ва бундай касалликлар жароҳат, бўғим-пай чўзилишлари, туёқларнинг йирингли-некротик зарарланиши кўринишларида намоён бўлади»¹. Шу сабабдан юқори маҳсулдор сигирлардаги туёқларнинг йирингли-некротик зарарланишлари сут қорамолчилигига келтирадиган иқтисодий зарарини олдини олиш ҳамда янги замонавий специфик ва носпецифик даволаш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Дунёнинг турли давлатларида соғин сигирларда оёқларининг дистал соҳаси шикастланишлари, молхоналарда нисбий намлик юқорилиги, минерал моддалар алмашинуви бузилишлари юқори маҳсулдор сигирлар организми иммунобиологик қобилятининг пасайиши билан бирга микроорганизмлар патогенлик хоссаларининг кучайишига имкон яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда соғин сигирлардаги туёқ касалликларини чақирувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш, уларга қарши илмий асосланган режали даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизга кейинги йилларда хориждан келтирилган юқори маҳсулдор сигирлар орасида оёқларнинг дистал соҳаси касалликларини даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аммо туёқларнинг йирингли-некротик зарарланишлари оқибатида ҳайвонлар маҳсулдорлигининг кескин камайиши ва оғир касалланиш натижасида мажбуран сўйилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу сабабдан хориждан келтирилган қорамоллар туёқларининг йирингли пододерматитларини учраш даражасини аниқлаш, ҳайвонлар организмида кечадиган морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш, касалликка эрта ташҳис қўйиш, касалликка чалинган ҳайвонларни даволаш ва мазкур патологияни олдини олиш ҳанузгача муаммо бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кумитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини

¹ Марьин Е.М., Ляшенко П.М., Сапожников А.В. Клиническая и патоморфологическая характеристика гнойных пододерматитов у крупного рогатого скота. Вестник Ульяновской государственной сельскохозяйственной академии. Ульяновск, 2015. -С. 123-132.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йирик шохли хайвонлар оёқларининг дистал бўлими йирингли-некротик касалликлари чет эллик олимлардан Е.М.Марьин, А.А.Кириллов, А.А.Стекольников, Э.И.Веремей, В.А.Журба, В.В.Гимранов, М.С.Гуткаева, В.В.Идогов, Мергани Хасан, G.J.Rowlands, L.Mahin, R.G.Kostlin, W.Munzenmayer, A.D.Weaver, G.B.Scott, S.Botle, D.W.Collik, R.Iteb, E.Landais, D.W.Parker, H.Brentrup, ватанимиз олимларидан Н.Ш.Давлатов, Ҳ.Б.Ниёзовлар томонидан атрофлича ўрганилган ва ушбу касалликлар этиологияси, тарқалиши, даволаш ҳамда олдини олиш усуллари бўйича чуқур илмий натижаларга эришилган.

Аммо шунга қарамадан, Республикамиз шароитидаги маҳсулдор сигирлар орасида йирингли пододерматитнинг тарқалиши, сабаблари ва кечиш хусусиятлари ўрганилмаган, самарали даволаш ҳамда олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг №КХА-9-086 «Маҳсулдор сигирларда минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган бармоқ ва туёқ касалликларини даволаш ҳамда олдини олиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг чорвачилик хўжаликлари шароитидаги маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг клиник ҳамда патологоанатомик ташҳисини илмий асослаш, даволаш ҳамда олдини олиш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг чорвачилик хўжаликлари шароитидаги маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг асосий сабабларини ва йил мавсумлари кесимида тарқалишини аниқлаш;

маҳсулдор сигирлар йирингли пододерматитларида патологик ўчоқдаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш;

йирингли пододерматитда сигирлар туёғининг макро- ва микроэлементлар таркибини аниқлаш;

маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг ташҳисини асослаш, даволашнинг консерватив ва жарроҳлик усуллари такомиллаштириш;

маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари чорвачилик фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларга қарашли йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирлар, шунингдек, улардан олинган қон ва туёқ намуналари, даволаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган терапевтик ҳамда антисептик препаратлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб йирингли пододерматит билан касалланган сигирларнинг клиник, гематологик, кимёвий ва патоморфологик кўрсаткичлари, шунингдек ушбу касалликни даволаш ва олдини олиш тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Мазкур диссертация ишини бажаришда клиник, морфологик, гематологик, кимёвий, патоморфологик, физиотерапевтик, этиопогенетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитларни келиб чиқишига туёқларга ишлов бериш муддатлари ва техникасига риоя қилинмаганлиги ва алиментар табиатли метаболизм бузилишлари сабаб бўлиши ҳамда уларнинг асосан куз, киш ва баҳор ойларида кўпроқ учраши аниқланган;

патологик ўчоқда емирилган тўқималар мавжудлиги, бириктирувчи тўқима толалари ҳамда ретикуляр хужайраларнинг тартибсиз жойлашганлиги ва атрофияга учраши қайд этилган;

йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирларда туёқ капсуласида Са, Р, Na, Mg, S, Fe элементларининг нисбий миқдорлари камайиши кузатилган;

маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни даволашда умум қабул қилинган усулларга қўшимча равишда линкоспект-150 антибиотиғи ва бутазал-100 препаратларининг маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган такомиллаштирилган этиопатогенетик даволаш усули ишлаб чиқилган;

йирингли пододерматитни олдини олишда умумий санитария-гигиена ва жарроҳлик мажмуасига қўшимча равишда махсус алиментар-профилактик ва витаминли мажмуани қўллаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жадал технологияларга асосланган чорвачилик хўжаликлари шароитидаги маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг сабаблари, йил мавсумлари кесимида тарқалиши ва ривожланиш механизмини ўрганиш асосида ташхис усули ишлаб чиқилган;

мавжуд даволаш усуллари такомиллаштириш натижасида маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни самарали даволашга эришилган;

маҳсулдор сигирларда учрайдиган йирингли пододерматитга ташхис қўйиш орқали касалликни келтириб чиқарувчи омилларни ўз вақтида бартараф этишни таъминловчи муҳим амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, барча

рақамли маълумотлар биометрик ишловдан ўтказилганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ҳамда ОАК томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда ва Республика даврийилмий нашрларида чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг сабаблари, ривожланиши ва кечиш хусусиятлари, касаллик пайтида юзага келадиган клиник, патоморфологик ҳамда гематологик ўзгаришларни илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг дастлабки босқичларида ташҳис қўйиш, замонавий Линкоспект-150 антибиотигини қўллашга асосланган самарали даволаш ҳамда олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни этиологияси, тарқалиши, туёқдаги патоморфологик ўзгаришлар ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қорамолларда йирингли пододерматитни этиопатогенези, патоморфологияси ва даволаш усуллари» бўйича тавсиянома тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 22 июндаги 04/23-199-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши натижасида қорамолларда йирингли пододерматитнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш имконияти яратилган;

Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро вилоятларидаги қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида маҳсулдор сигирлар йирингли пододерматит касаллигини даволашда умум қабул қилинган даволаш усулларига қўшимча линкоспект-150 антибиотиги ҳамда биостимулловчи восита сифатида бутазал-100 препаратини қўллашга асосланган комплекс даволаш усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 22 июндаги 04/23-199-сон маълумотномаси). Мазкур комплекс даволаш усулининг иқтисодий самарадорлиги юқори эканлиги аниқланиб, харажатлар қоплами 18,27 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, шу жумладан 2 та халқоро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни этиологияси, тарқалиши, туёқдаги патоморфологик ўзгаришлар ва даволаш усуларини такомиллаштиришга оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, «Йирик шохли моллар оёқлари дистал бўлими касалликларининг сабаблари» деб номланган биринчи қисмида маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитларга олиб келадиган чорвачилик фермаларидаги зогигиеник талабларнинг бузилишлари, жумладан молхона тағжойининг носозликлари, юқори намлик, туёқларга ортопедик ишлов бериш қоидаларининг бузилишлари, маҳсулдор сигирларни нотўғри сақлаш ва озиқлантириш оқибатида рўй берадиган модда алмашинуви бузилишлари, шунингдек, зот ҳамда ёш хусусиятларининг оёқ касалликлари келиб чиқишидаги ўрнига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишларининг қисқача таърифлари келтирилган.

«Йирик шохли моллар оёқлари дистал қисми касалликларининг тарқалиши» деб номланган иккинчи қисмда оёқлар дистал қисми касалликларидан ҳар хил йирингли патологияларнинг қорамолчилик фермаларида жуда кенг тарқалганлиги, яъни ушбу гуруҳ касалликлари сигирларнинг бошқа барча касалликлари орасида ўртача 2 фоиздан 60 фоизгачани ташкил этиши, шунингдек, ҳайвонларда маҳсулдорлик ва пуштдорлик кўрсаткичларига кўрсатадиган салбий таъсирини ўрганиш бўйича олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижаларининг таҳлили келтирилган.

«Маҳсулдор қорамоллар бармоқ соҳаси йирингли-некротик жараёнларининг кечиш хусусиятлари» деб номланган учинчи қисмда бармоқ соҳаси йирингли-некротик жараёнлари кечишида иммун комплексларнинг ўрни, йирингли-некротик жараёндан олинган экссудат ва йиринг намуналарининг микробиологик таркиби, оқсашлар, туёқдаги морфо-физикавий ўзгаришлар, организмда кечадиган биокимёвий жараёнлар,

касалликларнинг кечииш муддатлари ва оқибатлари тўғрисида хориж ҳамда ватанимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари атрофлича ёритилган.

«Йирик шохли молларда оёқлар дистал қисми касалликларини даволаш ва олдини олиш усуллари» деб номланган тўртинчи қисмда ушбу гуруҳ касалликларини олдини олиш ва даволашда ишлатиладиган замонавий препарат ва аралашмалар ҳамда даволаш-профилактик восита ва усуллардан фойдаланишнинг илмий асослари тўғрисида маълумот берувчи кенг кўламли материаллар келтирилган.

Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида йирик шохли хайвонлар оёқларининг дистал бўлими патологияларини даволаш ва олдини олишда турли муолажалар қўлланиб келинганлиги, аммо Ўзбекистонга четдан олиб келинган маҳсулдор сигирларда кўп учрайдиган пододерматитнинг этиологияси, патогенези, морфологик ўзгаришлари, даволаш ва олдини олишнинг мақбул усуллари етарлича ўрганилмаганлиги ва шу боисдан, маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг этиологияси, тарқалиши, туёқдаги патоморфологик ўзгаришлар ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Хайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедрасида, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ тумани «Сиёб-Шавкат Орзу», «Абдуқаххор агро сервис», Пастдарғом тумани «Жўра», Ургут тумани «Аъзам Холиқов», Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани «Бегзод насли моллари», Бухоро вилоятининг Когон тумани «Когон Чинор чорваси» фермер хўжаликлари ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани «Паландара чорваси» масъулияти чекланган жамиятда олиб борилди. Лаборатория таҳлиллари СамВМИ «Хайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедраси, Самарқанд вилояти марказий шифохонасининг биокимё лабораторияси ва Самарқанд шаҳар болалар жарроҳлиги касалхонаси қон таҳлили лабораторияларида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг тарқалиши, сабаблари ва туёқнинг кимёвий таркиби**» деб номланган учинчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг тарқалиши» номли биринчи қисмида пододерматитнинг учраши тўғрисида маълумотлар келтирилади, жумладан Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги «Сиёб-Шавкат Орзу» фермер хўжалиги шароитида сақланаётган маҳсулдор сигирларнинг 2012-2019 йиллар давомида йирингли пододерматит билан касалланиш даражаси ўртача 4-20% ни, шу жумладан, баҳорда 13-20, ёзда 3-5, кузда 6-7 ва қишда 6-9% ни ташкил этиши, Пастдарғом туманидаги «Жўра» фермер хўжалигида 4-13% ни, шу жумладан, баҳорда 11-13, ёзда 4, кузда 6-7 ва қишда 8-11% ни, Тайлоқ туманидаги «Абдуқаххор агро сервис» фермер хўжалигида 4-18% ни, шу жумладан, баҳорда 10-15, ёзда 4-9, кузда 8-17 ва қишда 9-18% ни, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Бегзод

насли моллари» фермер хўжалигида 4-12% ни, шу жумладан, баҳорда 8, ёзда 4-6, кузда 6-9 ва қишда 7-12% ни, Бухоро вилояти Когон туманидаги «Когон чинор чорваси» фермер хўжалигида 2-10% ни, шу жумладан, баҳорда 5-10, ёзда 2-5, кузда 5-8 ва қишда 6-9% ни, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Паландара чорваси» масъулияти чекланган жамиятида 4-16% ни, шу жумладан, баҳорда 8-16, ёзда 4-7, кузда 7-13 ва қишда 9-14% ни ташкил этиши аниқланди.

Ўтказилган клиник текширишлар натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, маҳсулдор сигирларнинг йирингли пододерматит билан касалланиш даражаси ўрганилган йилларнинг баҳор ва куз фаслларида нисбатан юқори бўлиб (мос равишда, 5-20 ва 5-17%), ёз фаслида (2-9%) бу касалликнинг бошқа фасллардагига қараганда кам учраши қайд этилди.

«Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг сабаблари» номли иккинчи қисмда ўрганилган хўжаликларнинг аксарият молхоналарида тагжойнинг ўта намлиги, туёқларга ўз вақтида тўғри ишлов берилмаслик ва ишлов беришда туёқларни кесиш қоидалари бузилиши, молхонадаги аммиак, гўнг ва сийдик каби ишқорий муҳитли омилларнинг салбий таъсир кўрсатиши натижасида туёқ шох қавати бўкиб, мустаҳкамлиги пасайиши ва натижада туёқ касалликларининг пайдо бўлиши қайд этилган.

Оёқларининг дистал қисмида йирингли-некротик патологиялар қайд этилган сигирлар сақланадиган биноларнинг қаттиқ бетонли тагжойдан иборатлиги ва ҳайвонлар озикланадиган жойлар доимий нам бўлганлиги, гўнг ўз вақтида олиб чиқилмаслиги ҳолатлари қайд этилди.

Ўрганилган аксарият хўжаликларда ҳайвонлар сақланадиган жойларда бетонли юза кўчиши натижасида тагжойда нотекисликлар пайдо бўлиши, туёқ тери асосига жароҳатловчи таъсир этувчи ёт нарсалар мавжудлиги, гипо- ва адинамиялар ривожланиши, озуқалар таркибида етарли миқдордаги микро- ва макроэлиментлар бўлмаслиги, бунинг устига юқори концентратли типдаги озиклантириш жорий этилганлиги, туёқ териси асосидаги яллиғланишларни ўз вақтида бартараф этилмаслиги натижасида уларга ташқи муҳитдан микроорганизмлар тушиши оқибатида йирингли ўчоқлар пайдо бўлиши кузатилди.

Аксарият ҳолатларда хўжаликлардаги мавжуд сифатсиз озиклантириш, сақлаш шароитларининг ёмонлиги, туёқлар ўз вақтида парвариш қилинмасликлари ундаги шохсимон қаватнинг ўсиш жараёни бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ҳайвонларда шакли бузилган туёқлар ривожланишига ва мувофиқ касалликлар пайдо бўлишига олиб келади. Бетон ва керамзитли тагжойлар, айниқса, бунга кўп миқдорда намлик кўшилганда, туёқлар емирилиши кучайиши кузатилади.

Клиник кузатишлар олиб борилган етти қорамолчилик фермасининг тўрттасида соғиш жойларига кириб-чиқиш йўлакларига 2-3% ли формалинли ванналар ташкил этилмаганлиги, ташкил этилганлари эса талабга жавоб бермаслиги, ванналардаги формалинли эритманинг белгиланган вақтда янгилаиб турилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги аниқланди.

Ёғингарчиликлар кўп бўлган йил фасллари билан боғлиқ равишда касалликнинг авж олиш ҳолатлари кузатилди. Шунингдек, йирингли пододерматит касаллиги йилнинг иссиқ вақтларда ҳам учраб туриши кузатилди. Бундай ҳолатни ҳайвонларни иссиқдан сақлаш мақсадида молхона ичидаги доимий микроклиматни таъминлаш мақсадида юқоридан пуркаб туриладиган сув таъсирида ҳайвонлар сақланадиган жойнинг мунтазам нам бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, йирингли пододерматит киш пайтида кўп учрашининг асосий сабабларидан яна бири - аксарият молхоналарда яйратиш майдончалари тўрт томонлама целюфан билан ёпилиши натижасида молхонанинг ичи кучли терлашга сабаб бўлади. Бундай терлаш эса нафақат намлик, балки молхона ҳавосида заҳарли газлар миқдори доимий юқори бўлишига олиб келади.


«Маҳсулдор сигирлар туёғининг макро- ва микроэлементлар таркиби» номли учинчи қисмда йирингли пододерматит билан касалланган ва соғлом сигирлар туёқларидаги минерал моддалар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Сиёб-Шавкат Орзу» фермер хўжалигида сақланаётган маҳсулдор сигирлар туёғи таркибидаги кальций элементининг нисбий миқдори соғлом сигирларда ўртача кишда $6,22 \pm 0,09\%$ ни ва баҳорда $5,92 \pm 0,06\%$ ни ташкил этгани ҳолда, йирингли пододерматит билан касалланган сигирларда ушбу кўрсаткич кишда $2,58 \pm 0,09\%$ ($p < 0,03$) гача пасайиши кузатилди.

Ушбу кўрсаткич касал сигирлар туёғи таркибидаги пасайиши Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Жўра» фермер хўжалигида кузда $1,92 \pm 0,06\%$ ни ($p < 0,04$), Ургут туманидаги «Аъзам Холиқов» фермер хўжалигида кузда $1,84 \pm 0,05\%$ ни ($p < 0,05$), Тайлоқ туманидаги «Абдуқаххор агро сервис» фермер хўжалигида кишда $1,93 \pm 0,07\%$ ни ($p < 0,03$), Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Бегзод насли моллари» фермер хўжалигида кишда $1,98 \pm 0,04\%$ ни ($p < 0,03$), Бухоро вилояти Когон туманидаги «Когон Чинор чорваси» фермер хўжалигида кишда $2,07 \pm 0,04\%$ ни ($p < 0,03$), Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Паландара чорваси» масъулияти чекланган жамиятда ёзда $2,07 \pm 0,09\%$ ни ($p < 0,03$) ташкил этиши, хусусан, йилнинг барча фаслларида бу кўрсаткичнинг касал сигирларда соғлом сигирлардагига қараганда сезиларли даражада паст бўлиши қайд этилди (1-, 2-расм).


Маҳсулдор сигирлар туёғи таркибидаги фосфор элементининг нисбий миқдори Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги «Сиёб-Шавкат Орзу» фермер хўжалигида сақланаётган соғлом сигирларда кишда $0,71 \pm 0,01\%$ ($p < 0,03$) ни, касал сигирларда $0,59 \pm 0,02\%$ ($p < 0,02$) ни, баҳорда ушбу кўрсаткич, мос равишда, $0,70 \pm 0,03\%$ ва $0,58 \pm 0,02\%$ ни ташкил этди. Ёз ва куз фаслларида ҳам аналогик ҳолат кузатилди.

Ушбу кўрсаткичнинг касал сигирлар туёғи таркибидаги пасайиши Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Жўра» фермер хўжалигида баҳорда $0,45 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Ургут туманидаги «Аъзам Холиқов» фермер хўжалигида кишда $0,47 \pm 0,02\%$ ($p < 0,05$) ни, Тайлоқ туманидаги «Абдуқаххор агро сервис» фермер хўжалигида кишда $0,42 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Бегзод насли моллари» фермер хўжалигида

баҳорда $0,47 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Бухоро вилояти Когон туманидаги «Когон Чинор чорваси» фермер хўжалигида қишда $0,48 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Паландара чорваси» масъулияти чекланган жамиятда баҳорда $0,45 \pm 0,02\%$ ($p < 0,05$) ни ташкил этиши, хусусан, йилнинг барча фаслларида бу кўрсаткичнинг касал сигирларда соғлом сигирлардагига қараганда сезиларли даражада паст бўлиши қайд этилди.



1-расм. Маҳсулдор сигирлар туёғи таркибидаги Са элементининг қиш ва баҳор фаслларидаги нисбий миқдори



2-расм. Маҳсулдор сигирлар туёғи таркибидаги Са элементининг ёз ва куз фаслларидаги нисбий миқдори

Бунда, туёқ таркибидаги фосфор элементи нисбий миқдорининг касал сигирларда соғлом сигирлардагига қараганда нисбатан паст бўлишини, оёқлар дистал қисмида кечаётган йирингли-некротик жараёнлар оқибатида тўқималар томонидан моддаларнинг ўзлаштиришининг бузилиши билан изоҳлаш мумкин

Маҳсулдор сигирлар туёғи таркибидаги олтингугурт элементининг нисбий миқдори Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Сиёб-Шавкат Орзу» фермер хўжалигида сақланаётган соғлом сигирларда қишда $2,4 \pm 0,03\%$ ($p < 0,05$), касал сигирларда $2,26 \pm 0,02\%$ ($p < 0,04$) ни, баҳорда мос равишда, $2,44 \pm 0,1\%$ ($p < 0,03$) ва $2,19 \pm 0,1\%$ ($p < 0,05$) ни, кузда, мос равишда, $1,93 \pm 0,09\%$ ($p < 0,05$) ва $1,8 \pm 0,08\%$ ($p < 0,04$) ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткичнинг касал сигирлар туёғи таркибидаги пасайиши Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Жўра» фермер хўжалигида баҳорда $0,95 \pm 0,02\%$ ($p < 0,04$) ни, Ургут туманидаги «Аъзам Холиқов» фермер хўжалигида кузда $0,97 \pm 0,02\%$ ($p < 0,05$) ни, Тайлоқ туманидаги «Абдуқаххор агро сервис» фермер хўжалигида кузда $0,97 \pm 0,03\%$ ($p < 0,02$) ни, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Бегзод насли моллари» фермер хўжалигида баҳорда $0,96 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Бухоро вилояти Когон туманидаги «Когон Чинор чорваси» фермер хўжалигида қишда $0,97 \pm 0,02\%$ ($p < 0,03$) ни, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Паландара чорваси» масъулияти чекланган жамиятида баҳорда $1,01 \pm 0,03\%$ ($p < 0,04$) ни ташкил этиши аниқланди.


Дисертациянинг «**Маҳсулдор сигирлар йирингли пододерматитининг клиник, қонни айрим гематологик кўрсаткичлари ва патоморфологияси**» деб номланган тўртинчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг клиник белгилари» деб номланган биринчи қисмда йирингли пододерматит билан касалланган сигирларнинг семизлик даражаси, сут маҳсулдорлиги, оқсаш даражалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дастлаб барча текширилган сигирлар ўртача семизликда эди ва касалликнинг 3-кунида 33,3% да семизликнинг ўртачадан пасайиши, 5-кунида семизлигининг ориқ даражага ўтиши ва яна 33,3% сигирда ўртачадан паст бўлиши, қолган 33,3% да ўртача семизлик сақланиб қолиши кузатилди. Касалликнинг 10-кунига бориб эса, семизлиги ўртачадан паст сигирлар 66,6 % ни, ориқ сигирлар 33,3% ни ташкил этди.

Касал сигирларда кунлик сут соғими касалликнинг 1-5- кунларида 25-30% га, 10- кунга бориб эса, 30-50% га пасайиб кетиши қайд этилди.


Касалланган сигирлардаги энг асосий клиник белги оқсаш бўлди. Бунда дастлаб енгил, 3-5-кунлари ўртача ва 9-10-кунлари сезиларли даражадаги оғриқ ва оқсаш белгилари қайд этилди. Туёқ кўздан кечирилганда, ўзига хос, ҳар хил катталиқ ва чуқурликда патоморфологик кўриниш қайд этилди.

«Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитда қоннинг айрим гематологик кўрсаткичлари» деб номланган иккинчи қисмда касал сигирларда даволаш мобайнида қоннинг айрим гематологик кўрсаткичлар динамикаси тўғрисида маълумотлар келтирилган (6- ва 7-расмлар). Хусусан, қондаги гемоглобин ва эритроцитлар миқдори тажриба гуруҳидаги касал сигирларда даволашнинг биринчи кунидан йигирма биринчи кунга қадар, назорат

гуруҳидаги касал сигирларда эса даволашнинг биринчи кунидан йигирма бешинчи кунга қадар меъёригача кўтарилиб бориши кузатилди.



3-расм. Йирингли пододерматит билан касалланган тажриба гуруҳидаги маҳсулдор сигирлар қонининг айрим гематологик кўрсаткичлари



4-расм. Йирингли пододерматит билан касалланган назорат гуруҳидаги маҳсулдор сигирлар қонининг айрим гематологик кўрсаткичлари

Қондаги лейкоцитлар миқдори йирингли патологиянинг дастлабки кунларида бирмунча кўтарилиб даволашнинг ўн бешинчи кундан бошлаб пасайиб бориши аниқланди.

Қондаги умумий оқсил, альбуминлар, альфа-глобулинлар ва бетта-глобулинлар миқдорларининг патологик жараённинг дастлабки кунларида паст бўлиши ва даволаш муолажалари натижасида ортиб бориши кузатилган бўлса, гамма-глобулинлар миқдорининг эса даволашнинг биринчи кунда меъёрига нисбатан юқори бўлсада, унинг тажриба мобайнида пасайиб бориши кузатилди.

«Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматит пайтида туёқлар патоморфологияси» деб номланган учинчи қисмида маҳсулдор сигирларда ўзига хос патоморфологик ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хусусан, туёқлар шаклининг ўзгариши оқибатида туёқ девори, туёқ товони, туёқ териси асоси ва туёқ суягида чуқур патоморфологик ўзгаришлар ривожланган.

Касал сигирлар туёқлари визуал текширилганда, қафтдаги нуқсонлар (яралар) ва шох қаватининг емирилиши, туёқ териси асосига борувчи патологик каналлар ҳосил бўлиши ва улардан кўп миқдорда бадбўй хидли экссудат ажралиб чиқиши аниқланди. Улар атрофидаги тўқималарда яллиғланиш шишлари ҳосил бўлиб уларнинг юмшоқ товон ва унинг атрофига тарқалганлиги, терида маҳаллий ҳарорат ва қизариш пайдо бўлганлиги қайд этилди. Тери асоси ва атроф тўқималарида деструктив ва дистрофик ўзгаришлар ривожланган бўлиб, сурункали кечувчи жараёнда некроз ва некробиоз жараёнларининг эпидерма, дерма ва гиподерма қатламларига тарқалганлиги ва фибрин қаватлари тагида некрозга учраган патологик тўқималар, туёқдаги нуқсонлар атрофида кўп миқдорда оқмалар ҳосил бўлганлиги қайд этилди.

Ҳосил бўлган оқмалардан таркибида кўп миқдорда лейкоцитларни сақловчи йирингли экссудат оқиб туриши, яллиғланиш инфильтрацияси туёқнинг қафт тарафидан дерманинг чуқур қатламларига агрессив тарқоқ кириб борувчи хусусиятига эга бўлиши кузатилди. Дерма ва гиподерма қаватларидаги микрогемодинамик тўрнинг қонга тўлишган бўлиши, шунингдек, жароҳат тубига яқин жойдаги пишиб етилган грануляция тўқимасидаги ҳужайрааро бириктирувчи тўқимада деполимерланиш белгиларининг мавжудлиги аниқланди.

Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда унинг 21-кунига келиб, назорат гуруҳида эса 24-25-кунларга келиб, патологик жараёндаги морфофункционал ўзгаришларнинг ижобий томонга силжиганлиги, хусусан, умумий ҳолат қониқарли эканлиги, шунингдек шишлар, маҳаллий ҳарорат ва оғриқ камайганлиги, ҳайвон тана оғирлигини зарарланган оёғига ўтказиши, иштаҳа пайдо бўлиши, таянч оқсаши сезилмаслиги қайд этилди. Туёқдаги яралар юзасида репаратив ва регенератив жараёнлар, ҳамда дефрагментал эпителизация яққол намоён бўлганлиги аниқланди.

Патогистологик тадқиқотлар натижасида патология ўчоғида қон томирларнинг ўткир гиперемияси, эритроцитлар ва лейкоцитлар эмиграцияси, томир атрофида қон плазмаси ва шаклли элементлар ҳамда йирингли экссудат

ўчоқлари мавжудлиги, экссудатда кўп миқдорда лейкоцитлар ва қисман эритроцитлар ва емирилган тўқималар мавжудлиги, бириктирувчи тўқима толалари ҳамда ретикуляр хужайраларнинг тартибсиз жойлашганлиги ва атрофияга учраганлиги аниқланди.

Бириктирувчи тўқима хужайралари емирилган бўлиб, некроз ҳолатида бўлиши, толалар фрагментларга бўлинганлиги, шунингдек, коллаген ва эластик толаларда фибриноид ва мукоидли бўқиш, тола деворларида мукоид ва фибриноид моддалар шимилганлиги ва толалар фрагментларга парчаланганлиги кузатилди.

Некроз ўчоқлари эозинда оч қизил рангда бўялган бўлиб, ядролар рексис ва пикноз ҳолатида кўриниши кузатилди. Хужайраларда дистрофик ўзгаришлар, бириктиривчи толалар деворлари фарқланмаслиги ҳамда некрозга учраши кузатилди.

Коллаген толаларда шиш, фибриноидли некроз ўчоқлари кузатилиши, эластик толалар гиперплазияси ҳамда коллаген толалар орасида фибрин тўпланиши, бириктирувчи тўқимада гиалиноз ва фибринозли ўзгаришлар пайдо бўлиши, емирилган коллаген толалар ўрнига бириктирувчи тўқиманинг асосий моддаси – гиалин ҳосил бўлганлиги, эластик толалар дистрофияси, силлик мускул хужайралари структурасининг бузилганлиги, аксарият эластик толалар емирилганлиги қайд этилди.

Қон томир деворларидан зардоб суyoқлиги ва кўп миқдордаги полиморфядроли лейкоцитлар эмиграцияси фаоллашиши аниқланди.

Дерманинг сўрғичли қавати ва эпидермал қаватда дистрофик ва атрофик ўзгаришлар кузатилди. Қон томир эндотелий хужайраларида дистрофик ўзгаришлар, некроз ўчоқлари ва микроабсцесслар, кесманинг баъзи жойларида полиморф хужайралар инфильтрацияси ва нейтрофил гранулоцитлар билан характерланган ўткир яллиғланиш жараёни аниқланди.

Йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирлар туёқларини патоморфологик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, асосан унинг қафт қисмида мураккаб некротик жараён ривожланиши натижасида тўқималарда парчаланиш ривожланиши ва қон айланишининг бузилиши патологик жараён тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Унга микроорганизмлар тушиши йирингли пододерматитни келтириб чиқаради. Тажриба гуруҳидаги сигирларни даволаш натижасида тикланиш парчаланишдан устун бўлганлиги сабабли 20-21-кунга келиб ҳайвонлар соғайиши кузатилди.

Диссертациянинг «**Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни даволаш ва олдини олиш**» деб номланган бешинчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни даволаш» деб номланган биринчи қисмда даволаш тажрибаларида йирингли пододерматит билан касалланган 10 бош сигир «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида 5 бошдан тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Уларни сақлаш, озиклантирилиш ва парваришлаш шароитлари оптималлаштирилди.

Тажрибаларни бошлашдан олдин гуруҳлардаги пододерматит билан касалланган сигирлар туёқларига ортопедик ва жарроҳлик ишлови берилди. Шундан сўнг тажриба гуруҳидаги касал сигирлар қуйидаги схема асосида

даволанди: 1:1000 калий перманганатда ювилиб, 3% ли формалин эритмаси билан ванна қилингандан кейин, стрептомицин кукуни сепилиб, синтомицин малҳами билан боғлам қўйилди. Мускул орасига 7 кун давомида ҳар куни бир мартадан 10 мл миқдорида линкоспект-150 антиотиғи инъекция қилинди. Патология ўчоғидан йирингли экссудатнинг ажралиб чиқиши камайгандан кейин, тикланишни тезлаштириш мақсадида вена ичига ҳар 2 кунда бир мартадан 20 мл миқдорида бутазал-100 биостимулятори юборилди.

Назорат гуруҳидаги сигирларни даволаш хўжаликда ишлаб чиқилган даволаш схема бўйича олиб борилди. Бунда, касалланган туёқлар 1:1000 калий перманганати ва 3% ли формалин эритмаси ёрдамида ювилди, стрептомицин кукуни ва синтомицин малҳами қўйилди. Мускул орасига 7 кун давомида кунига бир мартадан 10 мл миқдорида окситетрациклин-100 антиотиғи ва Бутазал-100 биостимулятори юборилди.

Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда тажрибанинг 20-21-кунига келиб, назорат гуруҳида эса унинг 24-25-кунда касал сигирларнинг умумий аҳволи қониқарли бўлиши, туёқнинг товон қисмидаги жароҳатлар тозаланиб соғлом грануляция тўқимаси ўсиши ва жароҳат четида янги ҳосил бўлган шох тўқимаси ўсиши натижасида жароҳат юзаси қисқариши аниқланди.

«Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитнинг олдини олиш» деб номланган иккинчи қисмда йирингли пододерматитнинг олдини олиш усулини ишлаб чиқиш учун 2019-2020 йилларда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Жўра» фермер хўжалиғи шароитида сақланаётган 20 бош янги туққан сигир танлаб олинди ва улар 10 бошдан икки гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳидаги сигирларга умумий санитария-гигиена ва жарроҳлик мажмуаси қўлланилди. Ушбу мажмуага мувофиқ сигирлар сақланадиган молхона тағжойи ҳар куни бир мартадан қурутилиб ва емирилган жойлари ҳар 10 кунда бир мартадан жорий таъмирлаб турилди. Ҳар мавсумда бир мартадан туёққа хирургик ишлов берилди. Соғиш блокига кириш ва чиқиш жойида биринчиси тоза сув ва иккинчиси дезинфекцион эритма (3% ли формалин) билан мунтазам тўлдириб туриладиган узунлиғи 8-10 м ва чуқурлиғи 25-30 см ўлчамли иккита дезованна ўрнатилди ва сигирлар мунтазам равишда ушбу ванналардан ўтказиб турилди.

Тажриба гуруҳидаги сигирларга умумий санитария-гигиена ва жарроҳлик мажмуасига қўшимча равишда маҳсус алиментар-профилактик ва витаминли мажмуа буюрилди. Унга мувофиқ рациондаги сифатсиз силос ва сенаж ўрнига сифатли беда пичани киритилди, ҳар мавсум бошида 10 кун давомида (йилига 40 кун) 0,5 г/кг миқдорида омихта емга бентонит аралаштириб берилди, лактациянинг 1-4 ойларида ҳар 7 кунда бир мартадан мускул орасига 10 мл миқдорида Тривит АДЕ юборилди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги сигирлар орасида пододерматит билан касалланиш 2019 йилнинг баҳорида 20%, қолган фаслларда 10 % ни ташкил этди. Тажриба гуруҳидаги сигирлар орасида ушбу касаллик билан касалланиш йилнинг баҳор фаслида 10% ни ташкил этди ва қолган фаслларда кузатилмади. Умумий санитария-гигиена ва жарроҳлик мажмуаси ва маҳсус алиментар-профилактик ва витаминли мажмуаларни бирга

қўллаш орқали сигирларнинг ўртача тирик вазни 35,3% га, кунлик сут соғимини 75% га пасайиб кетишининг олдини олди.

«Ишнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган учинчи қисмда маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматит касаллигини даволаш усулларининг иқтисодий самарадорлиги баён этилган. Бунда сигирларда йирингли пододерматит касаллигини даволаш учун линкоспект-150 антиотиғи ҳамда биостимулловчи восита сифатида бутазал-100 препаратини қўллаш даволаш муддатини 3-4 кунга қисқартиради, бунда сарфланган бир сўм ҳисобига харажатлар қоплами 18,27 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳсулдор қорамоллар мавсумий текширилганда туёқда йирингли пододерматитлар асосан куз, қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учраши кузатилиб, касалланиш даражаси эса ўртача 2-35% ни, шу жумладан, баҳорда 5-33%, ёзда 2-16%, кузда 5-35% ва қишда 6-35% ни ташкил этади.

2. Айрим хўжаликларда маҳсулдор сигирлар сақланадиган молхоналар зоогеиеник талабларга жавоб бермаслиги; улар сақланадиган жойнинг бетондан ва доимий намлиги, яйраш майдончаларида ўткир учли жисмларнинг мавжудлиги, фаол ҳаракатнинг етишмаслиги (гиподинамия), туёқларга ишлов бериш муддатлари ва техникасига риоя қилишнинг йўлга қўйилмаганлиги йирингли пододерматитнинг асосий сабаблари, алиментар табиатли метаболизм бузилишлари эса унинг келтириб чиқарувчи омиллари бўлиб ҳисобланади.

3. Йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирларда оқсаш, туёқ товони, жияги ва унинг тери асосида шиш пайдо бўлиши ҳамда маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, туёқ шохсимон қавати остида оқ чизик бўйлаб йирингли экссудат тўпланиши, айрим ҳолларда туёқ суяги ва бармоқларни букувчи юза ва чуқур мускуллар пайи некрози билан намоён бўлади.

4. Туёқларнинг йирингли пододерматитида патологик ўчоқда гиперемия, эритроцитлар ва лейкоцитлар эмиграцияси, қон томирлар атрофида қон плазмаси, шаклли элементлари ва ўлган эпителий тўқималаридан ташкил топган йирингли экссудат тўпланиши, бириктирувчи тўқима толалари ҳамда ретикуляр хўжайралар тартибсиз жойлашганлиги ва атрофияга учраши аниқланди.

5. Соғлом маҳсулдор сигирлар туёқ капсуласи таркибидаги Са, Р, Na, Mg, S, Fe элементларининг нисбий миқдорлари, йилнинг барча фаслларида йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирлардагига нисбатан юқори бўлиши йирингли пододерматитни этиологик омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

6. Йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирларда қондаги лейкоцитлар сони ўртача $16,48 \pm 1,17$ минг/мкл гача, умумий оқсил миқдори $75,3 \pm 0,99$ г/л гача, γ –глобулинлар миқдори $50,8 \pm 0,74\%$ гача ошиши кузатилади.

7. Йирингли пододерматит билан касалланган маҳсулдор сигирларни тўлиқ соғайиши умум қабул қилинган даволаш усулларига қўшимча линкоспект-150 антибиотиғи 1 мл/50 кг миқдорда ҳамда биостимулловчи восита сифатида бутазал-100 препарати 1 мл/20 кг миқдорда қўлланилганда даволашнинг 20-21-кунда, окситетрациклин антибиотиғи 1 мл/50 кг миқдорда ва бутазал-100 препарати 1 мл/20 кг миқдорда қўлланилган назорат гуруҳи ҳайвонларида эса 24-25-кунда кузатилди.

8. Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитга қарши умумий санитария-гигиена ва жарроҳлик мажмуасига қўшимча равишда махсус алиментар-профилактик ва витаминли мажмуани қўллаш орқали уларнинг ўртача тирик вазнининг 35,3% га, кунлик сут соғимининг 75% га пасайиб кетишининг олди олинди.

9. Маҳсулдор сигирларда йирингли пододерматитни даволашда умум қабул қилинган усулларга қўшимча равишда линкоспект-150 антибиотиғи 1 мл/50 кг миқдорда ҳамда биостимулловчи восита сифатида бутазал-100 препарати 1 мл/20 кг миқдорда биргаликда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиғи юқори бўлиб, организмнинг клиник ва иммун статусини яхшилаши, гемопозэни стимуллаши, сарфланган бир сўм харажат ҳисобига 18,27 сўм фойда келтиришини инобатга олиб, ушбу такомиллаштирилган этиопатогенетик даволаш усули тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

МУХТАРОВ БАХТИЁР ЗОКИРОВИЧ

**ЭТИОЛОГИЯ, РАСПРОСТРАНЕНИЕ ГНОЙНОГО ПОДОДЕРМАТИТА У
ПРОДУКТИВНЫХ КОРОВ, ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В
КОПЫТЦАХ И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ**

**16.00.02 – Патология, онкология и морфология животных. Ветеринарное
акушерство и биотехника репродукции животных;**

16.00.01 – Диагностика, терапия и хирургия болезней животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PHD/V46.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
доктор ветеринарных наук, профессор

Нарзиев Бахтиёр Долиевич
кандидат ветеринарных наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эшбуриев Собир Бахтиёрович
доктор ветеринарных наук, доцент

Турсагатов Жахонгир Маматович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт ветеринарии

Защита диссертации состоится «17» 11 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: www.samvmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14287). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «26» 10 2021 г.
(протокол рассылки № 14 от «26» 10 2021 г.)



[Signature]

Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.биол.н.,
профессор

[Signature]

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, к.вет.н.,
доцент

[Signature]

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной
степени, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. «В последнее время, во многих странах мира, среди крупного рогатого скота наблюдается широкое распространение болезней дистального отдела конечностей. В условиях животноводческих комплексов и ферм около 90% хирургических болезней скота составляют болезни конечности, которые проявляются в виде ран, растяжения суставов и сухожилий, гнойно-некротических поражений копытца»³. В связи с этим разработка профилактики экономического ущерба причиняемого гнойно-некротическими поражениями копытца высокопродуктивных коров молочному скотоводству а также современных специфических и неспецифических мер лечения является одной из важнейших задач.

В разных странах мира, травмы области дистального отдела конечностей молочных коров, повышенная влажность в помещениях, нарушения минерального обмена, вместе с понижением иммунобиологического статуса организма высокопродуктивных коров создают условия для усиления патогенных свойств микроорганизмов. Исходя из этого своевременное определение факторов вызывающих заболевания копытца, разработка против них научно обоснованных плановых мер лечения и профилактики и внедрение их в производство считается первостепенным.

В Республике широко применяются меры направленные на лечение и профилактику болезней области дистального отдела конечностей высокопродуктивного крупного рогатого скота завозимого из-за рубежа, однако, в результате гнойно-некротических поражений копытца высокопродуктивных коров встречаются резкое снижение продуктивности и в результате тяжёлого течения болезни - преждевременный убой животных. По этой причине, определение степени распространения гнойного пододерматита у крупного рогатого скота, завозимого из-за рубежа, анализ морфологических, биохимических и иммунологических показателей, ранняя диагностика болезни, лечение заболевших животных и профилактика этой болезни до сих пор остаются проблемой.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит для выполнения задач предусмотренных в Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»⁴, УП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» и в Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4254 от 28 марта 2019 года «Об организации деятельности Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан» и ПП-4576 от 29 января 2020 года «О

³ Марьин Е.М., Ляшенко П.М., Сапожников А.В. Клиническая и патоморфологическая характеристика гнойных пододерматитов у крупного рогатого скота. Вестник Ульяновской государственной сельскохозяйственной академии. Ульяновск, 2015. –С. 123-132.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

